

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСПОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилнинг 7 май куни Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги ўттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда туман депутатлари, тегишли идора ва ташкилотлар масъуллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда



оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Сессия ишини Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, туман ҳокими Н.Сулаймонов бошқариб борди.

Сессиясида тижорат банклари (Агробанк, Микрокредитбанк, Халқ банки) туман филиали раҳбарларининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Сессияда банк раҳбарларининг ҳисоботлари депутатлар томонидан қабул қилинмади

бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, депутатлар томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида тайёрланган видеоролик орқали банк ходимларининг иш фаолиятида учраган камчиликлар, банк мижозларининг банклар фаолиятига нисбатан муносабати кўрсатиб ўтилди. Муҳокама жараёнида тижорат банклари филиали раҳбарларининг сессияга зарур даражада тайёргарлик кўрмаганлиги қайд этилди ва банк раҳбарларининг ҳисоботлари депутатлар томонидан қониқарсиз деб топилиб, қабул қилинмади.

Сессияда кун тартибидан депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор лойиҳалари қабул қилинди.

Сессия кун тартибига Халқ депу-

татлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан сессияларга мунтазам қатнашмаганлиги ҳамда ҳозирги давр талабига хос фаолликда иш олиб бормаётган 3 нафар депутатларнинг узрли сабабларга кўра депутатлик фаолиятини давом эттира олмаслиги сабабли депутатлик фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш юзасидан масала киритилган эди. Ушбу масала депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, 7-Галаравот сайлов округидан депутат Пўлат Уроқов, 23-Кумушкент сайлов округидан депутат Ботир Худжамкулов ҳамда 26-Навоий сайлов округидан депутат Намоз Абдурахимовларнинг депутатлик фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги аризаларини инobatта олган ҳолда муддатидан олдин депутатлик фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси тасдиқланди.

Сессияда кун тартибидан депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор лойиҳалари қабул қилинди.



АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ ҚОПАДИ

9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан туманимизда кенг қўламли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тумандаги барча ташкилот ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокидаги мазкур тадбирда мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Шунингдек, меҳнат фахрийлари, нурунийлар иштирокида Қуръон тиловат қилиниб, ўтганлар хотираси ёд этилди.

Юртимизнинг тинчлиги йўлида мардларча курашган, жонфидо қилган барча юртдошларимизни қадрлаш, ҳурматларини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.



Спорт

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ



Жорий йилнинг 7-8 май кунлари 57-умумтаълим мактабида вилоят бўйича умумтаълим мактаблари жамоалари ўртасида спортнинг қўл тўпи тури бўйича "Ёшлик спорт жамоалари" мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Мусобақада вилоятимизнинг барча туманларидан ўқувчи ёшлар иштирок этишиб, ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Қўл тўпи мусобақасининг якуний натижаларига кўра 3-ўрин Иштихон туманига, 2-ўрин Булунгур туманига, 1-ўрин Оқдарё тумани жамоасига насиб этди.

Эндиликда туманимиз спортчи ёшлари мусобақанинг республика босқичида иштирок этиб, вилоятимиз шаънини ҳимоя қилишади.

БОЛАЖОНЛАР УЧУН БАЙРАМ ТУҲФАСИ



ТОМОРҚА - КОНИ ФОЙДА

С.ИБРАГИМОВ.
Суратда: Ҳасан Искандаров турмуш ўртоғи Дилшода Хуррамова билан иш устида.



**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСПОҲОТЛАРНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

«Халқ сўзи» газетасидан олинди

**АҲОЛИНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТАДБИРИ****ИММУНИТЕТНИ КЎТАРИШГА ЁРДАМ
БЕРУВЧИ ИЧИМЛИКЛАР**

Брокколи карами шарбати

Сабзи шарбати

Тоза сув, сут, кўк чой ва шифобахш
чойларИммунитетни тушириб юборувчи
омиллар

Лимон шарбати

Лавлаги, олма, сабзи ва помидор
шарбати

Киви шарбати

С. ҚОСИМОВА,
туман тиббиёт бирлашмасининг
соғлом турмуш тарзи бўлиниши
мудирини,
Д. КАТТАЕВА,
шу бўлим услубият шифокори.**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
КАРАНТИН САБАБЛИ ЁПИЛГАНДА
ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ САҚЛанади**

Ҳозирги кунда пандемия сабабли кўпчилик олий таълим муассасалари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари масофавий иш режимига ўтмоқда. Ҳўш, ушбу ҳолатда ходимга иш ҳақи қандай тўланади?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 159-модда 1-қисмида "Ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ва бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади" деб белгилаб қўйилган.

Ушбу амалдаги мазмун буйича ўртача ойлик иш ҳақи ходимнинг айбисиз юзага келадиган вазиятларда, жумладан, бугунги синови кунларда тўланиши назарда тутилмоқда. Булар:

- алоҳида бўлган яроқсиз маҳсулот тайёрланганлик вазияти;
- бекор туриб қолинган вақт билан боғлиқ вазият.

Ўртача ойлик иш ҳақи ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ҳам тўланади ва ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳам тўланади. Яъни, бу нафақат ишлаб чиқариш корхоналарига, балки ноишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бошқа корхона ва ташкилотларга ҳам, шунингдек, давлат идораларига ҳам тегишлидир.

Бу тартиб қўлланиши учун энг биринчи навбатда ходимнинг бекор қолиш факти келиб чиққан бўлиши керак. Кейин бу бекор туриб қолиш ходимнинг ўзига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини, яъни унинг айби билан ёки айбисиз келиб чиққанлигини аниқлаш зарур.

Мавжуд карантин сабаб буюртмаларнинг тўхтаб қолиши, эпидемия сабаб корхонанинг ёпилиши ёки ходимларнинг уй изоляцияларига олиниши, ёки фавқулодда юзага келган бошқа ҳолатларда, агар ходимга бажарадиган иш топширилмаса, у масофавий ёки мослашувчан ишга ўтказилмаса, ёхуд унинг меҳнати қайта ташкил этилмаса, ходимнинг айбисиз бекор қолиш вазияти юзага келади.

Ҳозирги пандемик вазиятда, гарчи иш берувчида айб бўлмаса ҳам, бу айбисизлик барибир вазиятни ўзгартирмайди. Бунда ходимнинг айбисизлик факти етарли деб ҳисобланади.

Ходимни бекор туриб қолди деган хулосага келишдан аввал, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 176-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 25 мартдаги 3227 ва 3228-сонли Низомларга асосан иш берувчи унга нисбатан дастлаб қуйидаги чоралардан бирини амалга ошириши зарур:

- *меҳнат таътиллари бериш (таътил жадвалидан ташқари бўлса, уларнинг розилиги билан);

- *иш ҳақини сақланмаган таътиллар бериш (мутлақ ходимнинг розилиги билан);

- *масофавий ишга ўтказиш;

- *уйдаги ишга ўтказиш;

- *мослашувчан иш графигига ўтказиш;

- *карантин қоидаларига риоя этиб, зарур шарт-шароитларни яратиб ишда қолдириш;

- *масофавий, уйда ишлаши мумкин эмасдек кўринган ходимларни ҳам имкони борича меҳнат вазифаларини мослаштириш ва меҳнатни қайта ташкил этиш орқали масофавий ёки уйдаги ишга ўтказиш;

- *шунингдек, ходим карантинга олинганда, касал бўлиб қолганда, ёки бошқа бир узрли ҳолатларда, тўғри тушунган ҳолда буларни эътиборга олиш (яъни прогул деб баҳоламаслик);

- *ва қонун ҳужжатлари ёки локал ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни амалга ошириш.

Агар карантин вақтида ходимга нисбатан юқоридаги чораларни қўллаш имкони бўлмаса, иш берувчилар, бу ҳўжалик ҳисобидеги корхона бўладими, давлат ташкилотлари ёки бюджет идоралари бўладими, айни шу вазиятни ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт деб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бекор туриб қолинган вақт учун ходимларга нисбатан ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ойлик иш ҳақларини тўлаб бериш лозим.

А.КУЙЛАНОВ,
туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси.

Туман статистика бўлими.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жамшидхон Сафохонович Саъдуллаев нотариал идорасида марҳум Аҳмедов Ўқтам Назаровичга (2017 йил 2 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Лойиш шаҳарчаси,
Амир Темур кўчаси.****БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Лойиш шаҳарчаси Мустақиллик МФЙга қарашли Меҳнат кўчаси 24 уйда яшовчи Муродова Сайёрага берилган уй-жойнинг кадастр қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

